



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги хавф-хатарлар илғор халқаро тажриба асосида самарали соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва замонавий технологияларни жорий этиш нақадар муҳим эканини яна бир бор кўрсатганини

алоҳида таъкидлади. Пандемияга қарши курашишда кўрсатилган кўмак, жумладан, аҳолини эмлашда амалга оширилаётган самарали ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирилди.

Устувор йўналишларда, жумладан, онкология, гематология, вирусология, нефрология, трансплантология, фармакология ва бошқа соҳалардаги қўшма дастур ва аниқ лойиҳаларни

амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. “Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини жорий қилиш ва телемедицинани кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш борасидаги яқин шериклиқни давом эттириш, жумладан, Тошкент шаҳрида Россиянинг етакчи Н.И.Пирогов номидаги тиббиёт

университети филиали фаолиятини тез фурсатда ташкил этиш, шунингдек, Россиянинг етакчи клиникалари негизда врачлар алмашиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

Соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида

амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолаб, Россия ўзбекистонлик шериклар билан соғлиқни сақлаш соҳасидаги кенг қўламли тизимли ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда тиббиётнинг турли соҳаларида замонавий билимлар ва илғор тажриба билан бўлишишга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

УЙ-ЖОЙЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 май куни кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқларни янгилаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш бўйича кенг қўламли ва манзилли ишлар амалга оширилмоқда. Сунгги уч йилда умумий майдони 41 миллион квадрат метр бўлган 155 мингта хонадон фойдаланишга топширилди. Кўп квартиралли уй-жойлар сони 2 бараварга ошди.

Янги уйлар, замонавий массивлар қўлайиши билан уларга хизмат кўрсатишнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Бу бўйича ўтказилган сўровларда кўп қаватли уйларда яшовчи 35 фоиз аҳоли кўрсатилаётган хизматлардан норози экани, 65 фоизи ширкатлар ишини амалда сезмаётганини айтган.

Бунга сабаб — кўп ширкатларнинг ўзи молиявий оғир аҳволда. Яхши хизмат кўрсатиб, одамлар ишончини қозонолмаяпти. Имтиёзлар берилганига қарамай, кредитлар вақтида сўндирилмаяпти.

Шу билан бирга, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида маблағларни самарасиз ишлатиш, бюджет маблағларини талон-тарож қилиш ҳолатлари жуда кўп. Жумладан, охириги 2 йилда соҳанинг 100 га яқин мансабдор шахслари коррупциявий жиноятлар содир этгани учун жавобгарликка тортилган.

Йиғилишда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва уй-жой фондини янгилаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Вилоят марказлари, шунингдек, Нукус, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида айрим мавзёлари, тажриба тариқасида, малакали бошқарув-сервис компанияларига бериш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу компаниялар фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш жорий қилинади. Хизмат кўрсатишни яхши бўлганларига объект сони қўлайитириб берилади. Барча бошқарув-сервис компанияларида 24 соат ишлайдиган буюртма қабул қилиш марказлари ташкил этилади.

Яна бир муҳим масала — кўп ҳолларда, ширкатлардаги қарздорлик хизматлар нархидаги номутаносиблик туфайли келиб чиқарди. Энди уй-жойларни сақлашнинг минимал хизматлари ва меъёрларини маҳаллий кенгашлар аҳоли билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Бунда, ҳудудий коммунал хизмат бошқармаси тариф параметрларини бандма-банд асослаб, қиладиган ишлари ва кўрсатилган хизматлари бўйича режаларини тақдирот қилади.

Ижтимоий реестрга кирган эҳтиёжманд оилаларга уй-жойларни сақлаш мажбурий тўловлар учун субсидия ажратилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига шу йил 1 октябрдан бошлаб мажбурий тўловларни биллинг тизимида амалга ошириш бўйича ягона электрон платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Янги қурилган 3 мингта кўп квартиралли уйларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилиб, улар учун бошқарув компаниялари ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

— Инсоннинг яшаш шароити яхши бўлмаса, оиласида тинчлик, ишда унвдорлик бўлмайди. Менинг энг катта ташвишим — лойиҳа сифатли эмас. Агар қурилишда коррупция омилини йўқ қилиб, иқтисод нуктаи назаридан халқнинг пули назоратини кучайтирсак, натижа бошқача бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Жорий йилда авария ҳолатидаги 212 та икки қаватли уйларни реновация асосида янгидан қуриш режалаштирилган. Шунингдек, жорий йилда 456 та авария ҳолатидаги икки қаватли уйларни таъмирлаш ишлари якунига етказилади. Бундан ташқари, бу йил 2 минг 400 та, келгуси икки йилда 4 минг 100 та кўп квартиралли уйларни таъмирлаш керак.

Шу мақсадда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида уйларни таъмирлашнинг молиялаштириш бўйича махсус жамғарма ташкил этилиши белгиланди. Унинг маблағлари тенг улушларда республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан шакллантирилади. Жорий йилда шу тарзда жами 220 миллиард сўм ажратилиши, қолган 100 миллиард сўмга аҳоли маблағлари жалб қилиниши қайд этилди.

Шундай қилиб, кўп қаватли уйларни таъмирлаш харажатларининг 30 фоизи мулкдорлар томонидан, қолган 70 фоизи эса жамғарма маблағларидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокимларига бу маблағлардан мақсадли фойдаланган ҳолда, реновация ва таъмирлаш ишларини самарали ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда иссиқлик тизимини модернизация қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳарларимизда 15 мингта кўп қаватли уй марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган. Лекин 2 минг километр қувурлар ярқисиз аҳволда бўлиб, тармоқдаги йўқотишлар ўртача 40 фоизни ташкил этмоқда.

Шу боис, йил якунига қадар 56 та қозонхона қуриш ва реконструкция қилиш, 205 километр тармоқларни таъмирлаш орқали 2 мингдан зиёд кўп қаватли уйларни марказий иссиқлик тармоғига улаш чоралари белгиланди.

— Янги кўп қаватли уйларни яхлит массив шаклида қуришдан мақсад — энергия ресурсларини, инфратузилма харажатларини иқтисод қилиш. Лекин бу бўйича вазирликда ҳам, ҳудудларда ҳам ҳалигача ягона ёндашув йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Турар жойларни замонавий иссиқлик таъминоти-га ўтказиш, бунга хусусий секторни кенг жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йил 183 та янги уй-жой массивлари қурилмоқда. Уларга 185 километр ичимлик суви, 290 километр оқова тизими, 130 километр электр, 110 километр табиий газ тармоқлари тортилади. Бунинг учун зарур 415 миллиард сўм маблағнинг манбалари аниқ.

Мутасаддиларга ушбу массивларни инфратузилма билан сифатли таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Осиё тараққиёт банкнинг 50 миллион доллар кредити ҳисобидан аҳоли зич, уй-жойга талаб юқори бўлган туманларда камиди 3 мингта хонадонли кўп қаватли уйлар қурилиши қайд этилди.

Уй-жойнинг бошлангич бадали учун субсидия тўлаш тартибини соддалаштириш ҳамда муддатини қисқартириш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳудудларни обод қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича бажарилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилда 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳалладаги шароитларини яхшилаш учун 18 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Бундан ташқари, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўллар қуриш ва таъмирлашга яна 300 миллион доллар ажратилган.

Президентимиз бу борадаги ишлар ижросини танқид қилиб, мутасаддиларга қоқоқлиқни бартараф этиш ва лойиҳаларни сифатли бажариш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЁН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

28 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил ва 2021 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича ижроси тўғриси-

даги ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, карантин тадбирлари муносабати билан республикамиз иқтисодиёти ўсиши 2020 йил якуни билан 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга секинлашиб, ЯИМ ҳажми 580,2 триллион сўмни ташкил этган. 2021 йилнинг I чорагида ЯИМ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 фоизга ўсган.

2020 йилда инфляция даражаси белгиланган 12,5-13,0 фоизли прогноз параметрларидан паст бўлиб, 11,1 фоизни, 2021 йилнинг I-чорагида 10,9 фоизни ташкил этган.

▶ Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

ОНКОЛОГИЯ ВА ГЕМАТОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАРГА МУНОСИБ ЕЧИМ

Соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари даражасида ислох қилиш кун тартибидagi муҳим масалалардан. Ўн йиллар мобайнида тиббиёт соҳасида йиғилиб қолган қатор муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалиётга жорий этилмоқда.

Тан олиш керак, онкология ва гематология соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Натижада илғор тажрибалар амалиётга жорий этилмади. Зарур дори-дармон ва жиҳозлар тақчиллиги юзага келди ва беморларнинг соғайиб кетиш кўрсаткичи пасайиб кетди. Бу

ҳолат юзасидан давлатимиз раҳбари бир неча бор танқидий муносабат билдирди. Соҳада ижобий ўзгаришлар кузатилса-да, бироқ вазиятни янада яхшилаш учун комплекс, илмий ёндашувга эҳтиёж бор эди.

▶ Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонуни ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Мажлисда жорий йилнинг **1 май ҳолатига** кўра:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига асосан, республикада **23 та** эркин иқтисодий зоналар ташкил этилгани ва уларда қиймати **2,6 млрд. доллар** (шундан **824 млн. доллар**и тўғридан-тўғри инвестиция) бўлган **458 та** лойиҳа фойдаланишга топширилгани, **36 116 та** иш ўрни ташкил этилгани таъкидланди;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан қиймати **2,8 млрд. доллар** (шундан **1,2 млрд. доллар**и тўғридан-тўғри инвестиция) бўлган **446 та** лойиҳа маъмурий кенгашларда маъқулланиб, амалга оширилаётгани ҳамда қиймати **2,0 млрд. доллар** (шундан **1,2 млрд. доллар**и тўғридан-тўғри инвестиция) бўлган **199 та истиқболли инвестиция лойиҳалари** дирекциялар ва маъмурий кенгашлар томонидан кўриб чиқилаётгани таъкидланди;

Ҳисобот даврида эркин иқтисодий зоналарда қиймати **181,7 млн. доллар**лик (шундан **58,1 млн. доллар**и тўғридан-тўғри инвестиция) бўлган **18 та** инвестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилган ҳамда **4,7 трлн. сўм**лик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, **92,0 млн. доллар**лик маҳсулот экспортга йўналтирилган.

Мажлис давомида инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А. Воитов**, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари **С. Холхўжаев**, Самарқанд вилояти ҳокими **Э.Турдимов**, “Ўргут” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси раҳбари **Ж. Ҳайдаров**, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазيري **Ш. Ҳидоят**ов, “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси **У. Мустафоев**, “Худудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси **Б. Эшмуратов**, Автомобил йўллари қўмитаси раиси **А. Абдувалиев**нинг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ махсус иқтисодий зоналарнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштириш, зоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш, Ўргут туманини замонавий ихтисослашган инновациялар ва инвестициялар ҳудудига айлантириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга тушириш, ҳисобот даврида экспорт ҳажмини ошириш борасидаги камчиликларга йўл

қўйган масъулиятсиз раҳбарларнинг сусткашлиги танқид остига олинди ҳамда уларга нисбатан таъсирчан чоралар қўлланилиши белгиланди.

Шунингдек, мажлисда махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, бу борада қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, шунингдек, ушбу зоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, зона иштирокчиси мақомини олган лойиҳа ташаббускорларига янада қўлай шароитлар яратиб бериш, зоналарни муҳандислик-коммуникация ва инфратузилма объектлари билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар амалга ошириш белгилангани олинди.

Бунда қуйидаги муҳим хижатларга алоҳида эътибор қаратилди:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги 5101-сон қарори билан тасдиқланган инфратузилма объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш ишларини яқунлашти.

республиканинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган эркин иқтисодий зоналарнинг инфратузилма лойиҳалари бўйича молиялаштириш очилишини тезлаштириш ҳамда масъул ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига иқтисодий зона иштирокчиларининг объектлари зарур инфратузилма тармоқларига улангани ва ресурслар билан узлуксиз таъминланиши учун шахсий жавобгарликни юклаг;

тижорат банклари томонидан эркин иқтисодий зоналарда йирик лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича лойиҳа тақлифларини ишлаб чиқиш;

“Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Паркент-фарм” ҳамда “Бойсун-фарм” ЭИЗлар дирекцияларининг сақлаш харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш чораларини қўриш;

“Чироқчи” ЭИЗ ҳудудини вилоят марказига яқин, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва логистика имкониятлари мавжуд бўлган ҳудудга ўзгартириш;

Ҳукуматнинг Ўргут туманини замонавий ихтисослашган инновациялар ва инвестициялар ҳудудига айлантириш бўйича тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарда амалга ошириш учун тақлиф қилинган барча инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатлари бўйича экспертиза хулосалари берилишини таъминлаш;

ҳудудлардаги ҳар бир эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини 2021 йил якунига қадар самарали ташкил этиш мақсадида “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Бошланиши 1-бетда

Давлат бюджети даромадлари 2020 йилда 132,9 триллион сўмни ташкил этиб, белгиланган 128,7 триллион сўм прогноз 103,3 фоизга ёки 4 192 миллиард сўмга ошириб бажарилган ёки 2019 йилга нисбатан эса 20,8 триллион сўмга ўсган.

2021 йилнинг I чорағида Давлат бюджети даромадлари белгиланган 31,9 триллион сўм прогнози амалда 33,9 триллион сўмга ёки 2,0 триллион сўмга (106 фоиз) ошириб бажарилган. Даромадлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 триллион сўмга кўпайган.

Маҳаллий бюджетлар 2020 йил даромадлари 27 триллион 702,9 миллиард сўмни ёки аниқлаштирилган прогнозга нисбатан 110,9 фоизни ташкил қилган.

2021 йилнинг I чорағида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисми прогнозга нисбатан 116 фоизга (1,1 триллион сўмга ортиқ) бажарилиб 7,9 триллион сўмни, харажатлар эса режага нисбатан 94,7 фоизга ижро этилиб, 10, 9 триллион сўмни ташкил этган.

Давлат бюджетининг 2020 йилдаги харажатлари 100 фоизга таъминланиб, 144,1 триллион сўмни ёки ЯИМ га нисбатан 24,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг I чорағида 34,1 триллион сўм ёки ЯИМ га нисбатан 26,6 фоиз бўлган.

2020 йилда ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 74, 2 триллион сўм ёки умумий харажатларнинг 51,5 фоизи миқдориди, 2021 йилнинг I чорағида эса 18,2 триллион сўм (умумий харажатларнинг 53,3 фоизи) маблағ сарфланган.

Маҳаллий бюджетларнинг харажат-

лари режага нисбатан 104,8 фоизга ижро этилиб, 47,2 триллион сўмни ташкил этган.

Шунингдек, ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан 2020 йил давомида 2726 та назорат тадбирларида жами 309,2 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланиб, шундан 1238 та 223,4 миллиард сўмлик текшириш ҳужжатлари қонуний чора қўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Аниқланган молиявий хато ва камчиликларнинг 34,3 миллиард сўми тикланиши таъминланган ҳамда профилактика тадбирлари натижасида 165,8 миллиард сўмлик қонуний тўловлар тўланиши олди олинган.

Сенат ялпи мажлиси давомида ҳисоботларни қўриб чиқишда асосий эътибор:

— 2020 йилги ва 2021 йилнинг I чорағида Давлат бюджети даромад ва харажатларининг ижроси, ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳолати;

— солиқ ва боғхона идоралари томонидан белгиланган давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилишида солиқ ва боғхона тўловлари бўйича ҳисобланган даромадлар, солиқларнинг ундирувчанлик даражаси, солиқ қарздорлиги, ортиқча тўловлар;

— маҳаллий бюджетларнинг ижроси ва прогноздан ортиқча тушган даромадлардан мақсадли фойдаланилиши;

— “Очиқ бюджет” портали орқали маҳаллий бюджетнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши ҳолати;

— бюджет маблағларидан фойдаланишда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, уларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар каби долзарб масалаларга ва уларнинг ечимига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ, барча туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга маблағларни йўналтириш ҳамда ушбу маблағларни бошқа мақсадларда сарфланишини олдини олиш мақсадида бюджетдан ташқари ҳисобрақам кўринишида (жами 205 та) “Фуқаролар ташаббуси бюджет”и жамғармаси очилиши таъминланди.

Бундан ташқари, республика бюджети маблағлари ҳисобидан эксперимент ўтказилаётган 14 та туман ва шаҳарлар учун жами 92,7 миллиард сўм маблағлар тегишинча маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда ўтказиб берилиб, ушбу маблағлар “Фуқаролар ташаббуси бюджет”и жамғармасига йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги ҚҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида Намунавий Низом” тасдиқланган.

Ушбу Намунавий Низом асосида барча туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан ўзларининг туман (шаҳар) бўйича Низомни шакллантирган ҳолда тегишинча Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунга келиб, жами 159 та туман ва шаҳарларда тегишинча Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан Намунавий Низом асосида бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилдирилган. Шунингдек, 46 та туман ва шаҳарларда мазкур Низомни тасдиқлаш бўйича қарор лойиҳаларини тегишинча Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига навбатдаги сессияда қўриб чиқиш учун киритилган.

Шунингдек, маҳаллий бюджетдан тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи ва қўшимча даромадларининг 30 фоизи миқдоридидаги маблағлар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиш ва унинг мақсади сарфланиши устидан Сенат томонидан доимий парламент назорати амалга оширилиши қайд этилди.

Муҳокамалар сўнгига Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

БОҚИЙ МЕРОС

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Юртимизда яшаб ижод қилган буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва илмий меросини, жаҳон илм-фан тараққиёти ва ислом цивилизациясига қўшган ҳиссасини ўрганиш илмий-тадқиқот марказлари ва шу йўналишдаги таълим муассасаларининг олдига қўйилган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қатор халқаро илмий муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Жумладан, Малайзия давлатининг бир нечта тадқиқот ва таълим муассасалари марказининг яқин ҳамкорларидан саналади. Исломиий фанлар университети, Исломни англаш институти билан меморандумлар имзоланган.

Келишувга кўра, Малайзия Исломни англаш институтининг “Ислом ва замонавий дунё” илмий журнали ҳамда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг “Имом Бухорий сабоқлари” журналида ҳар икки томон олимларининг илмий мақолалари эълон қилинди. Бундан ташқари, Малайзия Исломни англаш институти радиосида алломаларимиз мероси ҳақида эшиттиришлар ташкил этилмоқда. Ҳамкорлигининг самарали қадамлари сифатида жорий йил апрель ойида Ислом цивилизацияси маркази ташаббуси билан “Ислом цивилизациясининг буюк алломалари” мавзусида Малайзия ва Ўзбекистон олимлари

ҳамкорлигида қўшма онлайн семинар ўтказилганини таъкидлаш лозим.

Куни кеча эса Марказ билан Ислом цивилизацияси институти ўртасида илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш доирасида мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси томонидан онлайн учрашув ташкил этилди. Тадбирда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, “Eurosoft-DecorIT LLC” ахборот технологиялари ташкилоти, Малайзия Ислом цивилизацияси институти вакиллари ва дипломатлар иштирок этди.

Малайзия Ислом цивилизацияси институти директори профессор Фариза Муҳаммад Шам ушбу муассасанинг ташкил этилиши, илмий жамоаси, фаолияти ҳақида сўзлаб, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда, жумладан, илмий-маърифий йўналишда ҳам изчил ривожланиётганини қайд этди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказ директори Шовосил Зиёдов марказ фаолияти ва илмий ходимлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида мухтасар маълумот берди.

“Малайзия қўлёзма фондларида сақланаётган Мовароуннаҳр олимларининг ҳаёти ва илмий меросига оид асарлар” мавзусида қўшма онлайн вебинар, семинар ва конференциялар ўтказиш, электрон китоблар, қўлёзмалар алмашувини йўлга қўйиш, Ислом цивилизацияси институтининг онлайн кутубхонасига киритиш учун Марказнинг электрон маълумотлар базасида сақланаётган исломшунослик бўйича китобларнинг электрон нусхасини тақдим этиш, малайзиялик исломшунос олимлари Имом Бухорий халқаро стипендиясига жалб қилиш, Малайзия академик журналларида Марказ тадқиқотчилари илмий мақолаларини нашр этиш, магистрик ва докторлик диссертацияларини тайёрлашда қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

МУНОСАБАТ



**Элмира БОСИТХОНОВА,
соғлиқни сақлаш вазири
ўринбосари,
Олий Мажлис Сенати аъзоси**

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Рамазон ҳайити кунларида Республика ихтисослаштирилган гематология ва онкология илмий-амалий тиббиёт марказига ташриф буюриб, у ердаги шароитлар билан танишди. Оғир касалликдан азият чекаётган болалар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди, у ердаги шарт-шароит билан танишди. Масъулларга бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар бўйича аниқ

кўрсатмалар берди. Қарорда айтилишича, шу масалалар ўз ифодасини топади.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни самарали даволаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Қарорнинг муҳим ва тарихий қисми болалар гематоонкологияси ва онкологиясига бағишланган. Дунё бўйича болаларда йилга 200 мингдан ортиқ гематологик ва онкологик таххис қўйилади. Ривожланган мамлакатларда эса бу хасталикдан ўлиш кўрсаткичи 20 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон бу борада 30 йил орқада қолган эди.

Президент қарорига республикада айна болалар гематологияси ва онкологияси соҳасини тубдан ўзгартириш тўғрисидаги муҳим топшириқлар таъкидлаб ўтилган. 2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт

маркази таркибидан чиқарилиб, **мустақил марказ сифатида фаолият юритиши соҳанинг жаҳон стандартларига мос бўлишидаги муҳим қадамдир.**

Ҳужжатда икки ой мuddатда болалар гематологияси, онкология ва клиник иммунология соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топшириғи ҳам берилган. Ушбу концепцияда болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологиясини алоҳида соҳа сифатида ривожлантириш, болаларни даволашда мультидисциплинар ёндашувни, кимётерапия учун зарур бўлган энг замонавий дори-дармонлар таъминотини ҳамда иммунногенетик ва цитогенетик текширувларни йўлга қўйиш, бемор болаларнинг стационар даволалиши жараёнида ота-оналар учун шароит яратиш каби кўплаб жараёнларни таъминлаш назарда тутилган.

Юқоридагиларни амалга ошириш орқали болалар ўртасида гемато-онкологик касалликлар бўйича шифо топиш имконияти 80, баъзи касаллик турлари бўйича эса 100 фоизга етишига эришиллади.

Қарорда ҳар бир туман(шаҳар)даги кўп тармоқли марказий поликлиникалар



таркибидидаги “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” негизига “онко-назорат” кабинетларини ташкил этиш, уларни тулиқ жиҳозлаш ва кадрлар билан таъминлаш топшириғи берилган. Бу тузилма аёлларда дунё бўйича энг юқори ўлим кўрсаткичига сабаб бўлаётган онкологик касалликларни оммавий скрининг орқали эрта аниқлаш йўли билан даволаш самарасини бир неча мартаба оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳар битта вилоятга мобиль маммографик ускуна харид

қилиниши белгиланган. Бу эса кўкрак сути беzi саратони касаллигини илк давридаёқ аниқлаш ва беморнинг тузаллишини 90 фоиз таъминлаш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, гематология ва онкология соҳасида таххис, лаборатория, даволаш ва интенсив муолажа бўлимлари яхлит бир мажмуада бўлиши керак. Бироқ амалдаги тиббиёт марказлари бу талабларга жавоб бермайди. Бино ва жиҳозлар эскирган

ва бир қатор муаммоларга сабаб бўлиб келаётган эди. Қарорда тегишли ташкилотларга 2021 йил 1 сентябрга қадар янги биноларни замонавий талаблар асосида, хусусан, катталар ва болалар учун алоҳида жаррохлик, жонлантириш, интензив терапия, трансфузиология ва трансплантология бўлимлари, шунингдек, радио диагностика ва радио даволаш бўлимлари, бактериологик лаборатория, махсус овқат тайёрлаш бўлиминини, болаларга таълим олиш имкониятини яратишни назарда тутган ҳолда, қурилиш ва тиббий техникалар билан жиҳозланиши юзасидан аниқ вазифалар юклатилган.

Суяк қўмиги ўзақ ҳужайраларини қўчириб ўтказиш амалиётини биринчи босқичда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида, кейинчалик эса Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида ўтказиш учун шароит яратилади.

Қарорга кўра, мамлакатимизда ўзақ ҳужайралари трансплантациясини йўлга қўйиш режалаштирилган. Жаҳон стандартлари бўйича алоҳида махсус жиҳозлар билан жиҳозланган трансплантация бўлимлари ташкил қилинади. Бундан ташқари, янги йўналишлардан бири юқори технология ҳужайра, ген ва молекула даражасида таххис қўювчи махсус юқори технология лабораториялар ташкил қилиниши ҳамда трансплантация учун гоят муҳим ҳисобланган трансфузиология хизмати-ни янада ривожлантириш, қон ва ўзақ ҳужайралари банки яратиш масалалари кўзда тутилгани эътиборга молик.

НУҚТАИ НАЗАР

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ҚАМРОВ

кутилганидан ҳам 2,1 фоиз кўпроқ бўлади



Агриппина ШИН,
мактабгача таълим вазири

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим қамрови ва сифатини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилди. Хусусан, охириги тўрт йилда боғчалар сони 5 минг 211 тадан 18 минг 300 тага етди. Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 27,7 фоиздан 60,9 фоизга кўпайди.

Давлат томонидан берилган имконият ва имтиёзлар натижасида хусусий ва оилавий боғчалар сони ҳам сезиларли даражада ошиб бораётти. Бугунги кунда юртимиз бўйлаб мактабгача таълим ташкилотларида бир миллион етти юз минг нафар бола тарбияланмоқда. Ваҳоланки, 2017 йилда 708 минг нафар бола мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган эди.

Шу йилнинг 24 май куни ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотлари қамровини кенгайтириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган танқидий-таҳлилий руҳдаги йиғилишда давлатимиз

раҳбари Мактабгача таълим вазирлиги олдида турган қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, Президентимиз тақлифига биноан, юртимизнинг 53 та туманида 34 минг ўринли икки мингта оилавий боғча ташкил этиш чоралари белгиланди. Бундай боғчаларнинг очилиши қўшимча иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Йиғилишда яна бир имтиёз ҳақида сўз юритилди. Яъни оилавий боғчаларга ўқув қўлланма ва методик материаллар учун давлат томонидан 30 миллиард сўм ажратилади ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 5 фоиз ставкада 30 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар берилади.

Бугун олис ҳудудларда мактабгача таълим қамровини кенгайтиришнинг яна бир манбаси — давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларни ташкил этиш. Ҳозир бундай муассасаларда бир бола учун сарфланадиган харажатнинг 50 фоизи субсидия қилинмоқда. Йиғилишда ушбу субсидия миқдорини 75 фоизга етказиш, хусусий боғчаларнинг электр энергияси ва табиий газ тўловининг 50 фоизини давлат бюджетидан қоплаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, пандемия сабабли тўлиқ қувватда ишламаган давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларнинг кредити бўйича асосий қарз тўлови муддати ҳам йил якунига қадар узайтирилди.

Инвестиция дастури асосида давлат бюджети ҳисобидан янги боғчалар қуриш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. 2021-2022 йилларда мамлакатимиздаги 23 та туманининг олис ва чекка ҳудудида элликти мактабгача таълим ташкилоти барпо этиш режалаштирилган. Бунинг учун қамров даражаси энг паст ва болалар сони 250 нафардан ошган элликти маҳалла танлаб олинган.

2021 йил якунига қадар икки мингта оилавий мактабгача таълим ташкилоти, элликти давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳамда қирқ иккита мобил гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобига жами 69,4 минг тарбияланувчи ўрни ва шу билан бирга, етти минг янги иш ўрни яратилди. 2021 йил якунига қадар қамровни 67,7 фоизга кўтариш имконини беради.



Жорий йил бошида қамров кўрсаткичини 65 фоизга етказиш режалаштирилган эди. Давлатимиз раҳбарининг қамровни ошириш бўйича берган тақлифига биноан, ушбу кўрсаткич яна 2,7 фоиз оширилади.

Таҳлиллардан кўринишда, мактабгача таълим ташкилотлари кўпайгани сари педагог кадрларга эҳтиёж ҳам ошади. Шунини инобатга олган ҳолда, мактабгача таълим ташкилотларининг 12 минг ходимини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этиш белгиланди.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўлини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 7 ёшгача бўлган даврда олар экан. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида мактабгача таълим тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

Танқид инсонни ўз фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга ундайди. Шу маънода,

Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишдан сўнг биз ҳам соҳадаги камчиликларимизни яна бир бор таҳлил қилдик. Уларни бартараф этиш, мактабгача таълим қамрови ва сифатини ошириш масалаларини мутахассислар билан кенг муҳокама қилдик.

Президентимиз берган вазифаларни амалга оширишга бутун тизим ходимлари сидқидилдан ёндашади. Халқ манфаати йўлида масъулият билан ишлашга жамоамиз билан қатъий қиришамиз. Зиммамизга юкланган масъулиятни мактабгача таълим тизимида меҳнат қилаётган барча ходимлар юракдан ҳис қилди, десак муболага бўлмайди.

Бу каби имтиёзлар ва имкониятлардан сўнг нодавлат мактабгача таълим ташкилотини барпо этган ташаббускорлар ҳам янада шижоат билан ишлайди, тадбиркорлигини ривожлантиради. Биз, мактабгача таълим соҳаси ходимлари янги очиладиган оилавий боғчаларда таълим сифатини оширишга қаратилган дастурлар яратамиз ва тадбиркорларга яқиндан кўмаклашамиз.

БАНДЛИК

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРГАН 12 229 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ ИШЛИ БЎЛДИ

Хорижда ҳам харидоргир

Кимёхон Зокирова уч фарзанд билан Қўштепа туманидаги “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Мавсумий иш билан бандлиги ортидан топгани рўзгорга базур етарди. Тикувчиликка ўқуви бор, аммо дастгоҳ харид қилишга имконияти йўқ.

Кимёхон билан суҳбатлашган Халқ банкининг туман филиали мутасаддилари унинг тақлифини қўллаб-қувватлади — 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Бу пулга 6 та тикув машинаси харид қилди ва маҳаллада бўш турган дўконни ижарага олиб, фаолиятини йўлга қўйди.

Тадбиркор аёл дўконнинг бўш турган хоналаридан ҳам унумли фойдаланмоқда. Ўзи чевар бўлгани учун маҳалладаги 15 нафар қизга тикувчилик йўналиши бўйича ўқув курси ҳам ташкил этди.

Эндиликда маҳалладаги бежиримгина тикувчилик цехида бюрторма асосида аёллар кийими тикиляпти. Бу ерда тикилаётган куракли ёстиқ жилд ва якандозлар қўшни республика бозорларида ҳам сотилмоқда.

— Қўроқдан тикилган битта жамламамизда 4 доня якандоз ва 4 доня ёстиқ жилд бўлади, — дейди опа. — Ҳозирда Қирғизистонда 500 доня куракли якандоз ва 500 доня ёстиқ жилдга бюрторма келган. Бундай бюртормани Қорақалпоғистон Республикасидан ҳам олдик. Олдин битта ўзим ҳаракат қилган бўлсам, энди кўплашиб ишлаймиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлмоқда.



Гиламдўз келин ташаббуси

Қўштепа туманидаги Дўрмон маҳалласидан Бағдоднинг Хўжақишлоғига келин бўлиб тушган Меҳриножа Жўраеванинг ипак гиламлар Туркия, Германия мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Гиламдўзлик беназир хунар, — дейди тадбиркор Меҳринисо Жўраева. — Чунки ҳар бир тўқувчи вояга етган маҳаллада ташкил этилган “Исомилжон гиламлари” корхонасида ишлаб малака, маҳоратини оширган. Шу боис, маҳалладаги 20 дан ортиқ хотин-қиз гиламдўз келин-

га “шоғирд” тушди. Айни кунда хўжақишлоқлик аёллар қалб кўри, меҳришталарини бериб тўқиган ипак гиламлар Туркия, Германия мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Гиламдўзлик беназир хунар, — дейди тадбиркор Меҳринисо Жўраева. — Чунки ҳар бир тўқувчи вояга етган маҳаллада ташкил этилган “Исомилжон гиламлари” корхонасида ишлаб малака, маҳоратини оширган. Шу боис, маҳалладаги 20 дан ортиқ хотин-қиз гиламдўз келин-

лимли, сабр-бардошли, кузатувчан бўлиши талаб этилади. Чунки битта кичик гиламни маромига етказиб тўқиш учун бир неча ҳафта, баъзан ойлар керак бўлади. Шу боис, гиламдўзлар меҳнат асрлар давомида қадрлаб келинган.

Бу хунарга меҳр қўётган хотин-қизлар маҳаллада кўпчилики. Айни кунда тармоқ фаолиятини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида иш олиб борилмоқда.

қўп тармоқли кооперацияларга жалб этиш орқали ҳам хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусдан бири — хотин-қизлар бандлигини таъминлашга бўлган эътибор оилалар тотувлиги ҳамда фаровонлигига хизмат қилмоқда. Эндиликда уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилаётган аёллар сафи кундан кун кенгаймоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

САЙЁР ҚАБУЛ

Суд биносига оғир қадамлар ва маҳзун нигоҳлар билан кириб келаётган икки киши — Тўхтабой Сиддиқов ва Шарафиддин Шадековнинг елкасини ўн йиллик изтироб оғир юкдек босиб турарди. Бу руҳий жараён уларнинг учинчи шериги Нуркелди Тажмахановга ҳам бегона эмас. Нуркелди оға айни пайтда хорижда бўлгани боис унинг номидан адвокати суд жараёнида қатнашди.

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Хўш, уларни суд залига қандай ташвиш етаклаб келди?

Маълум бўлишича, улар 2010 йил ҳужжатларни қалбаки-лаштириш ва давлат мулкани талон-тарож қилишда гумонланиб, қамоққа олинган. Икки ой давом этган тергов жараёнида уларга қўйилган айбловлар тўла исботланмаса-да, тўпланган далиллар айбдор деб топиш учун етарли бўлмаса ҳам суд ҳукми билан Тўхтабой Сиддиқов энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари, Шарафиддин Шадеков ва Нуркелди Тажмаханов эса 150 баробари миқдорида жарима жазосига тортилган. Учаласи ҳам 2 йлга муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилинган.

Оролбўйидаги оммавий қабулларда Олий суд масъуллари Тўхтабой Сиддиқов ва Шарафиддин Шадеков билан юзма-юз мулоқот қилган, Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати уларнинг шикоятларини жиноят иши материаллари билан бўлиқлабда кўриб чиқди.

Ушбу уч инсоннинг оқлов ҳукми сўраб қилган мурожаатлари ўрганиб чиқилганда, айбловлар фақат тахмин ва фаразлардан иборат экани, уларни тасдиқловчи объектив далиллар йўқлиги маълум бўлди. Суднинг ажримига кўра, қилмишларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли Тўхтабой Сиддиқов, Шарафиддин Шадеков ва Нуркелди Тажмаханов оқланди.

— Айбим йўқ деб ҳеч кимни ишонтирмادим. Нима қилишимни ҳам билмадим. 60 кун қамоқда сақланиб, адолат излаб судга мурожаат қилдим, — дейди Тўхтабой Сиддиқов. — Президентимизнинг одил сиёсати туфайли, бугун суд мени айбсиз деб топди. Бундан жуда қувондим. Бўлмаса, болаларимнинг юзига отаси судланган деган қора тамга босилганча қолаверар эди.

Оролбўйидаги оммавий қабулларда адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши билан боғлиқ қўллаб бундай ҳолатларга гувоҳ бўлдик. Тўртқўллик Раёно Карибаева ҳам Тўртқўл индустриал педагогика касб-хунар коллежидида ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётган эди. Аммо нима бўлди-ю, коллеж раҳбарияти уни сабабсиз ишдан бўшатди. Ўтган гал Оролбўйидаги оммавий қабулда Раёно Карибаева ҳуқуқий ҳимоя қилинишини сўраб мурожаат қилган эди. Мурожаатдан сўнг бу масала судда кўриб чиқилди ва суд қарори билан ишга тикланди. Бундан беҳад севинган Раёно опа оммавий қабулга келиб, ўз миннатдорлигини билдирди.

Амударёлик Дилором Ёқубова ҳам ўзи ишлаётган ташкилотдан номутахассис деган ваз билан ишдан бўшатирилган. Оммавий қабулдаги мурожаатидан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Амударё суди бу масалани кўриб чиқиб, Д. Ёқубованинг аризасини қаноатлантирди. У ўз ишига ва лавозимига қайта тикланди.

— Мен ташхис марказига 2011 йил ишга кирганман. Марказда 10 йил ишладим. Бироқ мени номутахассис деган баҳона билан ишдан бўшатишди, — дейди Дилором опа. — Бу адолатсизлик туфайли Амударё тумани фуқаролик судига мурожаат қилдим ва мени ташхис марказига психолог шифокор мутахассиси сифатида ишга тиклашди...

Ботирбой Жалеев таниши автокредит олиши учун мулкни гаровга қўйиб, алдов қурбонига айланган. Мана, 2 йилдирки, ўз қўли билан тутқазган мулкидан ажраб, сарсон бўлиб юрибди. Ботирбой ака оммавий қабулда Олий суд масъулларига мурожаат қилган, бу масала тез орада судда кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиб бериладиган бўлди.

Кегейли туманидаги “Гуллене бер халқабод” масъулияти чекланган жамияти ўтган йили пандемия шароити туфайли банкдан олган қарзини тўлай олмади. Банк эса қарздор қорхонани судга берди. Суд қарори билан қарзни ундириш гаров таъминотида қартилди. Оммавий қабулда жамият юристи Темурбек Кайлибаев Олий суд масъулларига қарзни қайтариш учун муддат сўраб мурожаат қилган, тадбиркорнинг аризаси қаноатлантирилиб, суд қарори ижроси тўхтатилди.

Бош прокуратура масъуллари икки кунда алимент ундириш ва кредит олишда амалий ёрдам сўраган 6 та мурожаатни жойида ҳал этди. Хусусан, “Аёллар дафтари”га киритилган Нигора Эшмибетова кредит олиб тикувчилик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган-у, банк унга кредит ажратишни пайсалга солаётган экан. Бош прокуратурага мурожаатидан сўнг бу масала банк мутасаддилари билан бирга ўрганилиб, шу жойининг ўзида ҳал этилди. Оммавий қабулда Нигора каби яна икки аёлга ўзини ўзи банд қилиб, даромад топиши учун шароит яратиш берилди.

Бундан ташқари, кегейлилик Тозагул Худайбергенова 2004 йилда тўғилган фарзандига фуқаролик паспортини олиш учун давлат божини тўлашга қийналиб қолган экан. Ички ишлар вазирлиги масъулларига мурожаатидан сўнг ички имониятлар ҳисобидан бу маблағ қопланди ва Тозагул опанинг фарзандига фуқаролик паспорти бериладиган бўлди.

Эллиққалъа, Чимбой, Нукус туманларида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича ташкил қилинган оммавий қабулларда 679 нафар мурожаатчининг 691 та масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг 77 таси ижобий, 250 таси ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал қилиниб, 2 та мурожаат эгасига тушунтириш берилди ҳамда 362 та масала назоратга олинди.

Бундай мулоқотлар Қонлиқул ва Шуманай туманларида ҳам ташкил қилинди. Президент Халқ қабулхоналари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги масъуллари Эллиққалъа, Беруний, Тўртқўл, Чимбой, Тактакўпри, Қораўзақ, Кегейли, Бўзтован, Нукус, Амударё туманлари ва Нукус шаҳридан келган мурожаатчилар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида, уларни уйлантираётган масалаларга ечим излади.

Асосийси, оммавий қабуллардаги мурожаатлар таҳлили асосида ҳудудлар аҳолиси учун доғзарб бўлган тизимли муаммолар ҳам ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРОВАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

ТИЗИМНИ ЯХШИЛАШ УЧУН 2021-2022 ЙИЛЛАРДА 3,4 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛАДИ

**Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Махсус иқтисодий ва кичик sanoat зоналари мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириб, тадбиркорликни ривожлантиришнинг замонавий, қулай ва самарали шаклига айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган бундай иқтисодий майдонлар маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, жойларда экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда йирик “драйвер”га айланди. Президентимизнинг 2021 йил 30 апрелдаги “Махсус иқтисодий ва кичик sanoat зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса тармоқни ривожлантириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Айни вақтда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик sanoat зонаси фаолият юритмоқда. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган бўлса, кичик sanoat зоналарида 5 триллион сўмлик 1 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган. Бу эса мазкур тизимни йўлга қўйиш борасида зарур тажриба тўпланганидан далолат беради.

Ана шундай қўйиш тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги ишбилармонлар сони ортиб бораётти. Аммо чекка ҳудудлардаги sanoat зоналари етарлича муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга эмаслиги бу ерда иш бошлаган кўплаб ўрта ва кичик бизнес вакиллари қатори хорижий инвесторларни ҳам қийнаб келаётгани сир эмас.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда жами 8,8 минг гектар ер майдонига эга иқтисодий зоналарнинг 3,9 минг гектарига қиймати 5,3 миллиард долларга тенг 895 та инвестиция лойиҳаси жойлаштирилган бўлса, қолган 4,9 минг гектари лойиҳаларни жойлаштириш мумкин бўлган бўш ер майдонлари ҳисобланади ва уларнинг 65 фоизиди муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд эмас. 2,4 минг гектар майдонга эга кичик sanoat зоналарининг ҳам 822 гектари, қолаверса, фаолият кўрсатаётган 60 та кичик sanoat зонаси зарур инфратузилма билан тўлиқ таъминланмаган. Бу эса мазкур зоналарнинг тўлақонли фаолият кўрсатишга ҳалақат бераётган энг катта тўсиқ ва муаммолардан бўлиб турибди.

Президентимиз қарори юқоридаги масалаларга ечим бўлиши баробарида иқтисодий ва кичик sanoat зоналарида мавжуд имкониятларни кенгайтириш, мамлакатимизда бизнес муҳитини янада яхшилаш, хорижий ва маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Хўжжат билан муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари объектиларининг манзилли дастури ва рўйхати шакллантирилиб, амалга ошириладиган ишлар учун 2021 йилда 1,6 триллион сўм, 2022 йилда қўшимча 1,8 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

— Шу пайтгача тизимга бир вақтнинг ўзига бундай катта маблағ ажратилмаган,



— дейди Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Азамат Отеулиев. — Улар махсус иқтисодий ва кичик sanoat зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришда тўб бурилиш ясайдди. Тадбиркорлар муаммоларига ечим бўлади. Мазкур қарор ижроси эркин иқтисодий зоналарда қиймати 5,3 миллиард долларга тенг бўлган 704 та, кичик sanoat зоналарида эса қиймати

11,7 триллион сўмлик 2 090 та инвестиция лойиҳасини зарур инфратузилма билан таъминлаш имконини беради. Натижада ҳар иккала тармоқда жами 138,8 мингта иш ўрни яратилади.

Қарор билан ажратилган маблағлар автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув, электр ва газ тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга йўналтирилади. Маблағларнинг жойларда тезроқ ўзлаштирилиши ва сифатли инфратузилмани ташкил этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилиб, “йўл харитаси” шакллантирилган. Айни пайтда ўрганиш ишлари бошлаб юборилди.

САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛАДИ

Ёш тадбиркор Саид Қобилов sanoat зонасидан жой олиб, ишлаб чиқаришни бошлаганига қўл бўлмади. Аввалига барча ишлар кўнгилдагидай кечди. Аммо sanoat зонаси тоғли ҳудудга яқин бўлгани боис, тез-тез электр энергияси ўчиб қолиши муаммоси юзга кела бошлади. Натижада қорхонанинг ишлаб чиқариш қуввати пасайиб, буюртмаларни ўз вақтида етказиш қийинлашди...

Бундай муаммолар биргина Саидни



эмас, балки бошқа кўплаб тадбиркорларни ҳам қийнаб келаётган эди. Юқоридаги қарор билан айни шу масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этиш, тадбиркорлар учун қулай шароит яратиш орқали мамлакатимизда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш вазифаси белгилаб олинди.

Жорий йилнинг 12 май куни Президентимиз раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чорақдаги кўрсаткичлар таҳлили ҳамда жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида иқтисодий ўсиш учун, аввало, энергия ресурсларининг барқарор таъминоти зарурлиги таъкидланганининг боиси ҳам ана шунда. Таҳлилларга кўра, sanoat тармоқлари, тадбиркорлар ва аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш учун “Ўзбекнефтгаз” томонидан иккинчи чорақда 9 миллиард куб метр табиий ҳамда 165 минг тонна суюлти-

энг муҳим масала эркин иқтисодий ва кичик sanoat зоналаридаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш эканини таъкидлади.

— Жорий йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган 332 та лойиҳа, кичик sanoat зоналарида умумий қиймати 9,5 триллион сўмлик 1 минг 845 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган, — дейди Азамат Отеулиев. — Инфратузилма масаласи ҳал бўлиши бу лойиҳаларни тезроқ ишга тушириш имконини беради. Лойиҳалар, асосан, иқтисодиётимизнинг ўсиш нуқтаси ҳисобланган электротехника, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, нефть-газ, фармацевтика, туризм, иссиқхона ҳўжаликлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш sanoati йўналишларида амалга оширилади. Бунинг натижасида 20 минг 298 та янги иш ўрни яратилади. Бу эса шу йилнинг якуни билан 400 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи 350 миллион долларлик товарлар ишлаб чиқариш ҳамда давлат бюджетига қўшимча 2 триллион сўмдан кўп маблағ йўналтиришга имкон беради.

Шунингдек, қарорда 2021 йилда янги ташкил этиладиган sanoat зоналарининг ташқи электр ва газ тармоқларини қуриш



ишларига захира сифатида 150 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган. Ушбу зоналарда иш бошлаш истагидаги юртдошларимиз ва хорижликлар учун киритиладиган инвестициялари ҳажмига қараб бериладиган айрим солиқ имтиёзлари ҳам бизнесга янада қулайлик яратади. Аммо иқтисодий ёки кичик sanoat зонаси иштирокчисига айланиш учун тадбиркор, аввало, иқтисодий зона дирекцияси билан тузилдиган битимга асосан, киритилдиган инвестиция, ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмлари ҳамда иш ўринларини яратиш талабларини бажариш лозим.

Саноат зоналарида ихтисослашувни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу асосий масалалардан бири бўлиб, иқтисодий зоналар ичидаги турли тадбиркорлик субъектларига тегишли ишлаб чиқариш жарёни бир-бирига таъсир кўрсатмаслиги лозим. Масалан, ёнма-ён жойлашган қорхоналарнинг бирида озиқ-овқат, бошқасида ўткир ҳидли бўёқлар қўшиладиган бирор sanoat маҳсулоти ишлаб чиқарилиши қайсибир маҳсулотнинг сифатига путур етказмай қолмайди. Шу боис, махсус ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир ҳудудни алоҳида ўрганиш асосида уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ўсиш нуқталари белгиланиб, шунга мос тарзда ихтисослаштириш ишлари олиб бориляпти.

Мутахассисларнинг айтишича, махсус иқтисодий зоналар 13 та йўналишга ихтисослаштириляпти. Бу тадбиркорларнинг лойиҳалари бир-бирига ҳалал беришининг олдини олиш баробарида, соҳаси жиҳатидан ўзаро яқин қорхоналарнинг кооперацияларда бирлашиб, биргаликда ишлаши, умумий изланишлар асосида янги стандартларни жорий қилишга туртки бериши кутилмоқда.

Аслида иқтисодий ва кичик sanoat зоналарини ташкил этишдан мақсад ҳам тадбиркорларни бир нуқтада жамлаб, улар учун ўзаро тажриба майдонини яратиш орқали сифат жиҳатидан хорижийлик кам бўлмаган, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларини оширишдан иборат. Мазкур иқтисодий зоналарнинг инфратузилмасини тўлиқ таъминлаш эса ушбу мақсадлар йўлида янада фооллаштишга хизмат қилади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР КЛАСТЕР — ИЛМ-ФАН ИНТЕГРАЦИЯСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ



**Амир ОМОНОВ,
“Инновация ва технологияларни жорий қилиш маркази”
МЧЖнинг илмий раҳбари,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор**

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминлаш барча етакчи тармоқларни, жумладан, аграр соҳани модернизациялаш, янги техника ва тежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш билан бир қаторда, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқариш таркибини тубдан янгилаш, уни ўзгартириш ва диверсификациялашни тақозо этмоқда.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг ҳосили сара ва сифатли уруғликка боғлиқ. Айниқса, бошқоқ дон экинлари ҳосилдорлигининг 50 фоизи навнинг биологик хусусиятларига, қолган ярами сифатли уруғликка ва агротехника тадбирларига боғлиқ. Президентимиз 2019 йил июнь



ойида Тошкент вилоятига ташрифи давомида ҳудудни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, ғалла экинлари уруғчилигини тубдан ислоҳ қилиш, бу борада илмий ташкилотлар ва агрокластерлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Шунга асосан, ғаллачилик ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш мақсадида “Инновацион технологияларни жорий қилиш маркази” МЧЖ ташкил этилди. Унинг зиммасига уруғчилик соҳасида илмий ва амалий ишларни йўлга қўйиш, бу йўналишда маҳаллий ва хорижий илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, агрокластерлар билан ғалла экинлари уруғларини етиштириш ва тайёрлаш, ем-хашак ва мойли экинлар самарадорлигини янада ошириш учун бугдoy ўрмидан сўнг экиладиган қўлтира эртапишар маккажўҳори ва қўнғабoқарнинг бошланғич навларини яратиш вазифаси юклатилди.

Авалли уруғчилик тизими ўтган асрнинг 60- йилларида лағми ерлар учун ишлаб чиқилган бўлиб, у сувли ерлар учун тўғри келмасди. Бунинг устига, элита уруғлари фермер ҳўжаликлари даласига кеч етиб борадди. Бундай иш услубида, биринчидан, нав маънан эскирар, ундан фойдаланиш муддатга эса қисқариб кетарди. Юқори авлодли уруғларни тайёрлаш харажатлари, асосан, давлат бюджети маблағи ҳисобига амалга оширилган.

Янги тизимнинг йўлга қўйилиши ҳисобига бошланғич уруғлик етиштириш таннархи 3-4 баробарга камайди. Элита уруғлари 3 йилда тайёрланиб, бу жараён эски тизимга нисбатан икки баробарга қисқартирилди. Бу, ўз навбатида, энг асосийси, селекциячи олимларнинг фундаментал изланишлар қўламини кенгайтириш учун имкон беради.

Шу тариқа, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, республикаимизнинг суғориладиган майдонлари учун биринчи марта ғалла экинларининг янги, тезкор уруғчилик тизими яратилди. Яъни айни кунда Тошкент вилоятидаги синов-тажриба ишлари: бошланғич уруғлик (қўнайтириш питомниги) — Усимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида, супер-элита уруғлари — “Инновацион технологияларни жорий қилиш маркази” МЧЖ, элита уруғлари — “Агровер” уруғчилик кластерида, R-1 авлодли репродукция уруғлари — агрокластерларда олиб боришмоқда. Хусусан, жорий йилда вилоят учун етарли миқдорда (300-350 тонна) суперэлита, 4000 тонна элита, R-1 авлодли уруғлар эса 2022 йилда вилоятнинг 5 та агрокластерларида 25000 тоннага етказилади.

2020-2021 йилларда вилоятнинг суғориладиган ғалла майдонининг 19 та нав экинган бўлса, 2022 йилдан бошлаб улар сони 5 тани ташкил этади. Худди шундай уруғчилик тизими

Анжидон вилоятида ҳам жорий этилиб, ҳудуд учун етарли бўлган (3000 тонна) элита уруғлари тайёрланади. Бугунги кунда республикаимизда районлаштирилган мош навларининг 1000 дона уруғ вази 50-55 граммни ташкил этади. Жаҳон бозорида эса йирик донли мош навларининг нархи

Бутун дунёда глобал иқлим ўзгариши меваили экинларга салбий таъсир кўрсатиши натижасида ҳосилдорлик пасайиб бормоқда. Бу жараёни таҳлил қилиш ва яхшилаш мақсадида Усимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институту Германиянинг GIZ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда Россия ва Европа давлатларининг асосий майдонларида (80 фоиз) етиштириб келинаётган 6 хил меваили экинлар (олма, нок, гилос, олхўри, шафтоли, беҳи) 195 та нави интродукция қилиниб, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари тупроқ-иқлим шароитида иссиқликка ҳамда қурғоқчиликка чидамлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Унинг натижасида биргина олманинг 30 та навидан атиги 2 таси (“Жеро-майн-1” ва “Жонаголд-1”) нави иссиқликка чидамли экани аниқланди. Қолган 28 та навнинг 30-100 фоиз ҳосили (+570 C) иссиқ таъсирида тўқилиб, ҳосилдорлик гектар бошига 12-14 тоннани ташкил қилади.

Танлаб олинган 2 та навнинг ҳосилдорлиги 2020 йилда гектаридан 45-50 тоннадан кам бўлмади. Бу навлар пайвандтагари (M-26, MM-111) Ўзбекистон учун янги бўлиб, бор-йўғи 1-2 фоиз майдонни эгаллайди. Асосий майдонда эса, M-9, MM-106 пайвандтағли навлар экинган бўлиб, Сурхондарё шароитида улар ҳосилдорлиги 18 тоннадан ошмаёпти. Кўриниб турибдики, бугунги кунда пайвандтағлар селекциясини кучайтириш олим ва мутахассислар олдидаги энг долзарб масала ҳисобланади.

Шу боис, институтда Ўзбекистон-



Янги тизимнинг йўлга қўйилиши ҳисобига бошланғич уруғлик етиштириш таннархи 3-4 баробарга камайди. Элита уруғлари 3 йилда тайёрланиб, бу жараён эски тизимга нисбатан икки баробарга қисқартирилди. Бу, ўз навбатида, энг асосийси, селекциячи олимларнинг фундаментал изланишлар қўламини кенгайтириш учун имкон беради.

ни ташкил этиш тўғрисида”ги қарориди 2020-2024 йилларда техник навли узумзорлар ва виночилик соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган комплекс мақсадли дастурларни амалга ошириш, узумнинг янги навларини яратиш ва уларни кишини ташкиллаштириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилган. Айниқса, винобop узумчиликни ривожлантиришда бренд навлар асосий ўрин тутайди. Масалан, Россия ва Европа давлатларида бренд ҳисобланган винобop узум навларининг 1 декалитри 80-100 АҚШ долларига, бренд бўлмаган навларники эса, атиги 10-20 долларга харид қилинади.

Республикаимизда парваришланаётган жами 18 та узум навининг 15 таси 11,5 минг гектар майдонни эгаллайди. Атиги 3 та нав бренд ҳисобланиб, улар бўлса 2 минг гектар майдонда экинган.

Ҳозирги кунда Богдорчилик ва иссиқхоналарни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда институтнинг жаҳон коллекциясидаги Европа давлатларида бренд ҳисобланган 14 та навидан 8 таси танлаб олиниб, биринчи марта винобop бренд навларининг оналик боғлари ташкил қилинди, кўчат етиштириш бошлаб юборилди. Жорий йилда танлаб олинган навлардан 1,5, 2022 йилдан бошлаб 2 миллион дона узум кўчатини етиштириш режалаштирилган.

да биринчи марта тизимли равишда меваили экинларнинг иссиқликка чидамли навларини яратиш бўйича селекция ишлари бошланди. Кўриниб турибдики, бошқа белгилари бўйича ҳам стресс қолтларга чидамли навлар яратиш ишлари минтақалар кесимида олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги кунда танлаб олинган навлардан 2021 йилда 1 миллион дона ва 2022 йилдан бошлаб эса 1,5 миллион донадан кўчатларини етиштириш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган Усимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институту олимлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар Президентимизнинг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига киритилган бўлиб, бу соҳада илмий ва амалий изланишлар давом эттириляпти.

Юқорида қайд этилган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга ошириляётган ишларнинг кластер — илм-фан интеграцияси инновация ва иқтисодий ўсиш мезони эканлигини амалда тўлиқ исботлаши мўқаррар.

1 июнь — халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Соғлом авлод камолоти



Ойбек АБДИМЎМИНОВ,
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази директори ўринбосари,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон болаларни севадиган ва ардоқлайдиган мамлакат сифатида эътироф этилади. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўзбек оилаларининг фронт ичкарасидан келтирилган 200 минг болани бағрига олиб, ўз фарзандидек парваришлагани, ўқитиб элга қўшгани хануз таъкидланади.

Азалдан юртимизда бола таълим-тарбияси ва келажагига алоҳида эътибор қаратилган. Халқимизда “Бир болага етти маҳалла — ота-она”, “Бола-нинг бегонаси бўлмайди” каби мақол ва ҳаётий иборалар мавжудлиги ҳам бежиз эмас. Айниқса, сўнгги йилларда болажонлик, болапарварлик янги босқичга чиқди. Мамлакатимизнинг бу борада халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорлиги муваффақиятли давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва ЮНИСЕФ ўртасидаги ҳамкорлик кенг қамровли бўлиб, қатор йўналишларни қамраб олади. Болалар ва оналар ўлимининг олдини олиш, оилаларда болаларни хавфсиз ва ҳимояланган муҳитда тарбиялаш, сифатли таълим, соғлиқни сақлаш ва санитария шароитини таъминлаш, гендер ёки этник мансуб-лигидан қатъи назар, меҳнатга яроқсиз ёки алоҳида эҳтиёжга эга шахсларга тенг имкониятлар яратиш, болалар манфаатини қўзғовчи самарали қонунларни илгари суриш соҳаларида ҳукумат ва фуқаролик институтлари саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлаш кабилар шулар жумласидандир. Мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати доирасида ЮНИСЕФ билан биргаликда “Ўзбекистонда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш хизматларини такомиллаштириш” ло-йиҳаси амалга оширилди. У Европа Иттифоқи

ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида молиялаштирилди. Ҳамкорликка асосан, 2016 йилга қадар лойи-ҳа доирасида 8 минг 493 нафар тиббиёт хо-ди-мининг малакаси оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги беш ёшгача бўлган 3,5 миллион болага тиббий ёрдам кўрсатилди. БМТнинг 2000-2015 йилларга мўлжалланган Мингйиллик декларацияси ва 2015-2030 йиллар-да амалга ошириладиган Барқарор ривожланиш мақсадлари каби глобал дастурларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим вазифалар қато-рида белгиланган. ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси маълумотларига кўра, 2001–2015 йилларда гу-даклар ва болалар ўлими 1991–2000 йилларга қараганда камайган. Мамлакатимизда ҳар йили 2,2 миллион болага ЮНИСЕФ кўмагида А витами-ни капсулалари тарқатилади. Ташкилот кўмагида 1999 йилдан буюн туғиш ёшидаги 4 миллиондан ортиқ аёл ва икки ёшгача бўлган болага таркиби-да темир ва фоллий кислотаси бўлган қўшимчалар бериш йўлга қўйилган. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси-даги ислохотлар ва БМТ билан ҳамкорлик-нинг самараси туфайли мазкур йўналишда ижобий натижалар қайд этилди. Жумладан,



Йўлидаги ҳамкорлик

мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизи-мини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожланти-риш, ўта оғир, юқумли касалликларга бар-ҳам бериш ҳамда камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими икки баравардан кўпроқ, болалар ўлими уч бара-вар камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, хусусан, аёлларнинг умр кўриши 75 ёшгача ошди. 2010 йилда 1 ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими 2005 йил-дагига қараганда, ҳар 1000 аҳолига нисбатан 14,9 тадан 11,7 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 20,6 тадан 15,9 тага камайган бўлса, 2016 йилга келиб мамлакатда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 та-дан 10,7 тага камайган. Ўзбекистон оналик ва болалиқни муҳофаза қи-лиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масала-ларида йилдан-йилга яхши натижаларга эришяп-ти. Бу борадаги тадбирлар ва натижалар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилди. Жумладан, “Бола-ларни сақланг” (Save the children) халқаро ташки-лоти рейтингига кўра, Ўзбекистон болалар сало-матлиги тўғрисида энг кўп рамҳўрлик кўрсатадиган дунёдаги ўн та мамлакат қаторидан жой олди. Айна пайтда юртимиз аҳолисининг 10 миллион-га яқини болалардир. Шу жиҳатдан олиб қара-ганда, болаларни ҳимоя қилиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан би-рга айланган. Янги Ўзбекистонда бола ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш бўйича ислохотлар 2016 йили айнан “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги

қонун имзоланиши билан бошланди. Шундан сўнг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўнали-ши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида бола-ларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш бўйича ишлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларини таъминлашга оид сиёсатини амалга ошириш дои-расида БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги кон-венцияси ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, юз-дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида болалар ва ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қў-маклаштишга оид ҳуқуқий механизм яратилди. Мамлакатимизда болалар меҳнатига бар-ҳам бериш ва бу борада ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўналишида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги, пахта йи-гим-терими ва бошқа соҳаларда болалар меҳна-тидан фойдаланишга барҳам берилиши халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилди. Ху-сусан, 2018 йил Халқаро меҳнат ташкилоти пахта теримида болалар жалб қилинмаганини қайд этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 ва 2019 йилларда БМТ Бош Ассамб-леяси йиғилишларида болалар ва ёшлар ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиш борасида муҳим ташаббу-слар илгари сурилди. Хусусан, БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конфе-ренциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари

тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маъ-рузачи институтини таъсис этиш кабилар халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қарши олинди ва қўллаб-қувватланди. Президентимизнинг 2019 йил 22 апрел-даги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳу-қуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбоса-ри — Бола ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими жорий этилиши бола ҳуқуқлари ҳимояси бо-расидаги институционал ислохотларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 майдаги “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ти-зимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чо-ра-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида мам-лакатимизда Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман фаолиятини йўлга қўйишнинг асослари белгилаб берилди. 2019 йил декабрь ойида “Мақтабча таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши мамлақати-мизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларнинг янги йўналиши сифатида намоян бўлди. Мақтабча таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида 3-7 ёшда-ги болаларни мактабча таълим билан қамраб олиш даражаси 27,7 фоиздан 60,9 фоизга кўтари-либ, ижобий кўрсаткичга эришилди. Ўзбекистонда оила аънаъвий қадриятлар-нинг асоси ҳисобланган. Бола тарбияси, ка-молотида маҳалла ва оила институтининг аҳа-мияти катта. Шу боис, ўтган йили Ўзбекистонда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу саъй-ҳаракат-лар замирида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни маънан ва жисмонан соғлом этиб вояга етказиш каби олижаноб мақсад мужассам.

КЕЛАЖАК ОЙНАСИ

ҲАР БОЛАДА ИҚТИДОР ЯШАЙДИ

ФАҚАТ УНИ КЎРА БИЛИШ, АНГЛАШ ЗАРУР

Феруза ЖЎРАЕВА,
журналист

Тиш докторига бордим. Эшикдан киришим билан оқ халат кийган таниш аёлни кўриб, тўғриси, таажжубландим. Чунки у журналистика факультетини тамомлаганини билардим. Тишимни даволатиш асносида ҳамма саволларимга жавоб олдим.

Бунинг ўзига хос қизиқ тарихи бор экан. Маъ-лум бўлишича, у аввалгига отасининг қистови билан иқтисод йўналишида ўқиган. Ўқишни та-момлагач, бу йўналишда ишлаш олмаган. Бошқа соҳани танлаш истаги билан боши қотган чоғда онаси уни журналист бўлишга ундайди. Шундан сўнг у олий журналистика курсида таҳсил олиб, ўзини телевидение ва матбуотда сынаб кўради. Нимадандир кўнгли тўлмаган қҳарамонимиз, та-бийийки, бу соҳада ҳам узоқ ишлаш олмайди. Қай-си ташкилотга бормасин, вазифасини уудалай олмай, ишдан бўшаган. Орада бир неча йил ишсиз ҳам юрган. Тўрмуш қуриб, фарзандли бўлган, ниҳоят касб бўйича асл орсузсини амалга ошириш истагида стоматология соҳасида ўқийди. Ўқийши муваффақиятли яқунла-ган, клиникалардан бирда фаолият юрита бош-лайди. Ана шунда у ҳақиқатан шу соҳага қизиққани учун уни яхши ўзлаштирганини, ўз ишидан завқ олиб ишлагани ҳис этади. Мана шу завқ уни гай-ратлантиради, куч беради. Шу боис, қисқа вақтда ҳамкасблари ва беморлар эътирофига сазовор бў-лади. У энди ўзи яхши кўрган, тушунган ва қизиқ-қан касб билан машғул бўлиш нима эканини яхши англаган эди. Болалиқда “Келажақда ким бўласан?” деган савол деярли барчамизга берилган. Унга ҳар ким ҳар хил жавоб берган. Кимдир соҳага қизиққани учун, кимдир мутахассисликнинг ижтимоий нуфу-зи учун, яна бошқаси ота-онасининг кўрсатмасига кўра, ўқимокчи бўлади. Бунинг сабаблари яна кўп. Умуман олганда, биз касб танлашга, бутун умр машғул бўлишимиз керак бўлган соҳани танлашга жуда жўн қараймиз. Тўғрирог, биринчи галда шу касбдан келадиган даромадни ҳисобга оламиз, шундай қилсак, энг мақбул ечимни топган бўла-миз, гўё. “Ким бўлмокчисан?” деган саволни боламизга берсак-чи? Очиги, унинг жавоби бизга ҳам маъқул келса, қўллаб-қувватлаймиз. Акс ҳолда, гапини

шарт бўламыз-у, “йўқ, сен у касб эгаси бўлмайсан, шу ҳам ишим” қабилидаги гаплар билан фарзан-димизнинг истакларига қарши борамиз. Гарчи боламнинг келажаги яхши бўлсин, деб бошлаган бўлсак-да, мана шу ҳаракатимизнинг ўзиёқ, асли-да катта хато. ...Отаси унинг ҳуқуқ соҳасида ўқишини, адво-кат бўлишини истарди. Мана шу истакни амалга ошириш учун адвокатлар тайёрлайдиган олийгоҳ-да тахсил олди. Қунларнинг бирида безорилик қи-либ, бир неча ойга қамоққа ҳам олинади. У ердан севглисига мактуб ёзади. Хатда унинг бор изти-роблари, қалбида туғён ураётган муҳаббат алам-лари ифодаланган. Нома — “Ёш Вертернинг из-тироблари” асари эди. У токи қамоқдан чиққанда, суюқлиси мана шу мактубларни нашрга беради. Жуда қисқа вақтда у машҳур бўлиб кетади. Қамоқ-дан чиққанида эса кўплаб одамлар дастхат олиш учун уни интиқ қўтиб турарди. Шунда отаси унга дейди: “Ўғлим, сендан бари-бир яхши адвокат чикмас эди”. Аслида, бу отанинг адашганлиги иқрори десак, янглишмаган бўламиз. Юқорида келтирилган асар номидан англаган бўлсангиз керак, гап машҳур ёзувчи Гёте ҳақида кетяпти. Отасининг қистови билан ҳуқуқ соҳасини танлаган йигит тақдир тақозоси билан ўзи тушун-ган ва қизиққан машғулот билан шуғулланиб кўр-ди, яъни қалб амрига қулоқ солди. Натижаси эса сизга маълум: илк қадамларданок муваффақият қозонди. Асарлари қисқа фурсатда оммалашиб, катта шуҳрат келтирди, машҳур ёзувчига айланди. Дунёга машҳур ёзувчи бўлиб танилган Франц Кафка ҳам дастлаб отасининг талабига кўра, юри-дик соҳада тахсил олади. Кўп вақт шу йўналишда фаолият олиб боради. Сил касаллигини орттир-гач, уйда ўтиришга мажбур бўлди. Ана шу даврда у барибир ижод билан билан шуғулланади. Хат ва кундаликлар, шунингдек, “Эврилиш” қиссаси, “Жараён” романини ёзади. У ёзганларини оммага маълум қилишни сира хоҳламасди. Шунинг учун



ўлими олдиндан яқин дўстидан барча кўлэзмала-рини ёқиб юборишга ваъда беришини сўрайди. Дўсти эса китобхонларнинг бахтига буни бажар-мади. Аксинча, уларни нашр эттиради. Жаҳон адабиёти дурдонасига айланган асарлар муал-лифи Франц Кафка эҳтимол аввалдан ўзи севган, иқтидори бор касбни танлаганида, анаям кўпроқ дурдона асарлар яратишга улгурган, балки ҳаёт йўллари ҳам бутунлай бошқача давом этган бў-лармиди... Ҳар бир инсонда қайсидир соҳага, касбга лаёқ-ат бўлади. Ана шу лаёқат бора-бора қобилият-га айланади. Қобилият ривожлантириб бори-лса ва катталар томонидан қўллаб-қувватлан-са, келажақда юксак натижаларга эришиш мумкин. Фарзандимизга юқоридаги саволни кўндаланг қўйишдан олдин унинг лаёқат ва қизиқишларини аниқлашга ҳаракат қилишимиз керак. Бола ни-мадан завқ оляпти, нималарга қизиқиши юқори? Қачонки, диққат марказимиз шуларни аниқлашга қаратилса, унга тўғри йўлни кўрсата оламиз. Бу-нинг учун фарзандларимизга алоҳида вақт ажра-тишимиз, улар билан самимий муносабатда бўли-шимиз лозим. Фараз қилинг, деразангиз тоқчасида гултувак-да кактус турибди. Айтайлик, сиз унинг атиргулдек

гўнча очиниши, нафис бўй таратишини истаб қол-дингиз. Чунки сиз атиргулни ёқтирганнгиз учун шуни хоҳладингиз. Аммо кактус бу истагингизни бажара олмайди. Чунки унинг имкониятлари бу-тунлай бошқа. Ёки шафтоли дарахтининг теракка айланишини кутмаймиз-ку. Худди шундай ҳар бир инсоннинг ўз “мен”и бор. Мана шу “мен”да унинг қобилияти, лаёқати, бажа-ра оладиган вазифалари яширин, лекин доим ҳам юзага чиқавермайди. Уларни қачонки, боламизга яқин дўст бўлсаккина, кўра оламиз. Фақат бу бо-рада “Менинг болам фалон касб эгаси бўлади”, деган истагимизни кейинги ўринга қўйиб туриши-миз керак. ...У жуда ҳаракатчан, аммо кўп касал бўлади-ган бола эди. Болалигиданок секин ривожланиб борувчи қарпикдан азият чекарди. Биринчи синф-да ўқир кезлари муаллима унинг қўлига бир хатни тутқазди ва онасига беришини тайинлади. Хатни ўқиётган онаизорнинг кўзларида ёш айланар эди. “Муаллимим нима деб ёзган экан?”, қизиқиб сўра-ди ўғил. Она боласига ўқитувчинг сенинг билиминг юқори эканлигини, энди мактабга бормасанг ҳам бўлишини тайинлабди, деган мазмунда жавоб берди. Аслида эса мактубда “Сизнинг ўғлингиз руҳий касал. Илтимос, уни ихтисослашган бошқа

бирор мактабга жойлаштирсангиз. Хурмат билан муаллима”, деб ёзилган эди. Она боласининг кўн-гли синмаслиги, ўқишга, ўрганишга бўлган иштиёқи сўнмаслиги учун хатда аслида нима ёзилганини айтмаган эди. Ўғлини ўзи уйда ўқитди. Болақай уйда жуда кўп мутлоаа қилар эди. Айнан волидаси билан ўтказган машғулотлар унда ихтирочиликка қизиқиш уйғотган. У умри давомида 1300 га яқин ихтиро қилган. Телеграф, телефон, киноаппа-ратура, чўғланма лампа, дастлабки электровозлар, фонограф шулар жумласидан. Уша ихтирочи XIX-XX асрларнинг тенгсиз даҳоларидан бири Томас Эдисон эди. Психологларнинг таъкидлашича, бола туғил-ганда ўз касби, ўз вазифаси билан туғилади. Бу вазифа унинг лаёқати ва қобилиятиндан келиб чиқиб намоян бўлади. Кўпинча ота-оналар ўз-лари билмаган ҳолда ана шу хусусиятларни бўй-иб қўйишар экан. Уларнинг болани ўзлари оруз қилган шахсга айлантириш истаги айрим ҳоллар-да мана шу хатога сабаб бўлади. Тўғри, ота-она фарзандига ёмонлиқни раво кўрмайди. Шу боис, унинг барчага қулай, тинч, сардормад касб эга-си бўлишини истайди. Аммо бу борада боланинг қизиқишлари иккинчи ўринга тушиб қолиши керак эмас. Ота-онанинг берадиган билими, истеъдо-дини ривожлантириш борасидаги ҳаракати, унга кўрсатадиган рағбат боланинг жуда катта ютуқ-ларига сабаб бўлади. Дейлик, ўғлингиз ўқитувчи бўлишни хоҳ-ляпти. Сиз эса унга ўқитувчилик қийинлиги-ни, ҳуқуқшунос ёки иқтисодчи бўлса, ҳар то-монлама яхши бўлишини ўқтирасиз. Шундай йўл тутиш тўғримиқан, аслида? Бунинг ўр-нига ўқитувчи бўлиб ҳам юқори даромад то-пиш мумкинлигини, унинг ижтимоий мавқеи юқорилиги ҳақидаги фикрларни қўллаб-қув-ватлашимиз тўғри бўлар... Унинг кўп даро-мад топишини истаялгимиз, мактабда дарс бериб ҳам, қўшимча иш сифатида тайёрлов курслари очиш, ҳаракат қилса, барчасига ул-гуриши мумкинлигини ўргатайлик, қўмакла-шайлик. Доғишмандлар айтганидек, “Боланинг ичида даҳо яшайди”. Шу маънода, ҳар бир боланинг, албатта, нимагадир қизиқиши, иқтидори бўлади. Фақат унга ўзини намоян қилишга кўмак берилса, бас. Майли, боламиз биз истагандек касб эгаси бўлмасин. Келинг, унга ўзи қизиқадиган, келажақ-да бошқаларга ҳам фойдаси тегадиган соҳани танлашида кўмаклашайлик. Шундагина унинг қо-билияти, иқтидори намоян бўлади. Энг муҳими, унинг ҳаёт йўли оила, эл-юрт равнақи учун хизмат қилиш истаги билан уйғунлашиб кетади. Буни англамок учун узокдан далиллар қиди-риш шарт эмас, атрофдаги воқеа ва жараёнларга, ўзингиз билган инсонлар ҳаётига разм солишинг ўзи етарли.

АДИБЛАР ХИЁБОНИДА

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилган Адиблар хиёбонининг бир йиллиги яқинда мамлакатимиз жамоатчилиги томонидан кенг нишонланди. Айни жазирама кунларда хиёбон ташриф буюрувчилар учун ҳам жисман, ҳам қалбан оромбахш маскан сифатида янада гавжум.

Юртимизнинг 20 дан зиёд олий ўқув юртиларини адабиёт оламида ҳамқору ҳамфикр этган миллатимиз буюкларининг рамзий сиймолари табаррук боғнинг “меzonлари” сифатида меҳмонларни қутиб олмақда.

Улар орасида қардош қорақалпоқ ёшлари ҳам Ибройим Юсуповдек миллат ифтихорини янада яқиндан таний бошлади. Қирғизнинг буюги — Чингиз Айтматов эътироф этган адиб ижодини кенг ўрганиш, тарғиб қилиш уларни фақат ва фақат эзгу мақсадлар сари етаклайди.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида қорақалпоқ элининг суякли шоири Ибройим Юсупов ҳайкали ҳам ўрин олган. Буюк адиб Чингиз Айтматов унинг ижодини шундай баҳолаган эди: “Мен қорақалпоқ халқини ва унинг буюк ўғлини Ибройим Юсуповни севаман. Шеърят жуда мураккаб нарсас. Уни қайси тилда ёзилган бўлса, ўша тилда ҳис этиш керак. Ибройим Юсупов шеърларининг таржималарини ўқийман. Бу инсоннинг шеърлари ҳатто таржимада ҳам ҳайратга солади ва завқлантиради. Афсуски, уларни аслиятда ўқий олмайман... Агар Ибройим Юсупов ўз омадини насрда синаб кўрса, бу инсон нималарга қодирлигини Тангрига билган бўларди. Агар қачонлардир у бунга азм қилса, буюк даҳолар — Эрнест Хемингуэй ва Робиндранат Тагор каби юксакларга парвоз қила оларди”.

Бошқа атоқли адиблар ҳам Ибройим Юсуповнинг ижодини жуда юқори баҳолаган. Машҳур шоир Расул Ҳамзатов уни “қалбларни даволовчи шоир” деб атаган бўлса, Қайсин Қўлиев “Навоий ва Махтумқули билан бир қаторда турк тилли халқлар шеъриятининг башоратчиси” сифатида эътироф этган. Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўразбой Абдурахмонов эса “Ибройим Юсупов — XX асрнинг Бердақи” деб ҳисоблаган.

Шоир эса ўзига шундай таъриф берган:

*Мен дурадай бир бутуқда унганман:
Навоий ва Пушкин устоз, илҳомчим.
Қайнаб турган қоним билан уммонман,
Мен Бердақнинг соф қонидан бир томчи.*

Аммо унинг ижод чўққилари сари йўли раво бўлмаган. Шоирнинг тўнғич қизи, кимёгар Шахзода Ибройимовнанинг хотирлашича, боболари Юсуп охун Бухоро мадрасасида таълим олган, фақат Қорақалпоғистондагина эмас, балки бутун ўлкада таниқли уламолардан бўлган. Диндорлиги учун ўтган асрнинг 30-йиллари бошида қатагон қилиниб, Туркменистонда дарбадарликда вафот этган. Маъмурлар уламони сургун қилиш билан чегараланмасдан, мол-мулкни мусодара қилган, бу оиланинг ўз вақтида кўркам ҳисобланган уйини трактор билан бузиб ташлаган. Юсуп охуннинг рафиқаси Хонбиби ян бўлалари билан ерўлада яшашга мажбур бўлган.

Шундай ҳам тиричилик ўтказиш ўта машаққатли бўлган ўша даврда “халқ душмани”нинг оиласи — она ва унинг уч фарзанди қандай кубатларга дучор бўлганлигини ортқиқа таърифлашга ҳожат бўлмас керак.

Отаси вафот этганида Ибройим уч яшар болакай бўлган. Турмуш машаққатларига қарамасдан, отасидан қолган китобларни мутоплаа қилар, бир йўла араб тилини ўрганган эди.

Ибройим онасига тиргак бўлиш учун 13 ёшидан ишлай бошлаган. Билимдонлиги, тиришқоқлиги учун унга Чимбой туманидаги жамоа ҳўжаллигида табелчиликни ишониб топширишган. Бу хизмати учун ойига икки килограм бугдой олган.

Ўша йиллари Нукусда педагогика институти ташкил этилгандан кейин талабалар етишмаслиги сабабли ўрта мактабни тугалламаганларни ҳам имтиҳонсиз ўқишга қабул қилишган. Лекин Ибройим билан бир курсдагиларнинг деярли ҳаммаси кўп ўтмай ўқишни ташлаб кетган. Биргина у таълимни давом эттирган ва йигирма ёшлигида шу олий таълим муассасасида талабаларга дарс бера бошлаган. Айни пайтда Қорақалпоғистон радиосида дикторлик ҳам қилган.

Бу йиллари отасининг қатагон қилинганлигини яширган, деган баҳона билан ғанимлар Ибройимнинг оёғидан чалишга ҳам ҳаракат қилиб кўрган. Аммо текширишлар натижасида бу ғирт тўхмат эканлиги, таржimai ҳолида отаси билан боғлиқ барча маълумотларни аниқ баён этгани аниқланган. Шунга қарамайдан, ёш муаллимга қаттиқ ҳайфсан беришган.

“ИБРОЙИМ ЮСУПОВНИ
англамай туриб...”

— Отамиз ўша давр сиёсатини яхши билар ва жуда эҳтиёткор бўларди, — ҳикоя қилади Шахзода Юсупова. — Оиламизда раҳбарларни тилга олиш умуман ман этилган эди. Отамиз педагогика институтида домаликдан кейин “Амударё” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида илмий ходим вазибаларида ишлади. Бирин-кетин китоблари чиқа бошлагани, дурустгина қалам ҳақи олиб турганига қарамай, жуда камтарона турмуш кечирарди.

Яхши ёдимда, 1950-йилларнинг охирида Тошкентга марказий газета муҳбири сифатида юборилган (аслида Москвада нуфузли раҳбарлик лавозимидан ҳайдалиб, сургун қилинган) таниқли ёзувчи Константин Симонов уйимизга меҳмон бўлиб келганда пальтосини осиб қўйиш учун жавон ҳам, ҳатто илгак ҳам тополмай биров вақт аланглаб турган, отам бунни пайқагач, кулимсираб унинг уст кийимини бўйра устига тахланган кўрпалар тепасига ташлаб қўйганди.

Бошқа бир сафар ноқулай об-ҳаво туйфайли Москвадан Қирғизистонга учиб келаётган самолёт Нукусга қўнганида, ўша пайтда Қорақалпоғистоннинг биринчи раҳбари Қаллибек Камолов йўловчилар орасида бўлган Чингиз Айтматовни қутиб олган ва ҳукумат қароргоҳига таклиф этган. Аммо у отамизни ўз кадрдони ҳисоблаб, бизнинг уйимизга олиб боришнинг илтимос қилган.

Машҳур ёзувчи қийшайиб турган ночор уйимизни кўриб, “Шундай истеъдодли ва машҳур шоирингизга тузукроқ иморат қуриб беришга ёрдам берсангиз бўлмайдим”, деб Қаллибек Камоловични изза қилган. Аслида бизга 15 йил илгарироқ уй қуришга жой ажратилган, унинг пойдевори ҳам қўйрилган эди. Аммо отамиз янги уй қуришга ҳафсала қилмас, бизга ана шу бошпана ҳам бўлаверди, деб ҳисобларди.

Ночор бўлса ҳам шу хонадонимизда кўплаб таниқли шоир ва ёзувчилар меҳмон бўлган, улар ҳам янги уйни қачон қурасиз, деганларини кўп марта эшитганман. Отамиз Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қўлиев, Давид Қўғултинов, Римма Казакова билан бирга Зулфия, Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов билан дўстлик ва биродарлик, устозлик ва шоғирдлик бора-сида ўзаро жуда яқин муносабатда бўлган. Укам Баҳромнинг исмини Ғафур Ғулом қўйгани ҳам отамизнинг ана шу буюк шоир билан қалин дўстлигининг белгиси, дейиш мумкин.

Ибройим Юсупов болалигиданоқ қорақалпоқ халқ оғзаси ижоди, Шарқ ва мумтоз адабиётимиз намуналаридан хабардор бўлган, талабалик йилларида рус ва жаҳон адибларининг нодир асарларини кўп билан ўрганган. Унинг 1946 йилда эълон қилинган биринчи асари — “Ватаним” шеъри экани ҳам тасодиф эмас.

Умуман, у ўзини Қорақалпоқ юрти, ватанисиз тасаввур эта олмайди:

*Бир ёним сув, бир ёним чўл бўлмаса,
Жаннат қуриб берсанг-да, мен бормайман.
Гул ҳам яшан иси анқиб турмаса,
У ерда мен қорақалпоқ бўлмайман.*

Ўз ватанига бағишланган шеърлар таниш тимсоллар — учиб бораётган ғозлар, шамолдан чайқалаётган қоратол, ёйилиб ўсаётган саксовул, сарғайган саҳро орқали ёқимли, юракка яқин янграйди. Шу билан бирга, адиб шеъряти ўқувчилар руҳияти, ички дунёсида инсоний фазилатлар, муҳаббат ва садоқат туйғуларини уйғотади.

Мунаққидларнинг таъкидлашича, Ибройим Юсупов шоирлик маҳорати Алишер Навоий, Умар Хайём, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Махтумқули, Ажиниёз, Бердақ ва Абай устозлик мактаби таъсирида шаклланган. Шунинг учун шоир шеърларидан бирида буни қуйидагича таърифлайди:

*Сахро гулларини сочай пойингга,
Навоийни суйган қорақалпоқ бўлиб.
Ибройим дер: улус руҳинг олдида
Бош эъайин шоирдинг Бердақ бўлиб.*

Ибройим Юсупов 2000 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси адабиёт ва санъат кунларида журналистнинг ижодкор учун ҳаёт сабоқлари нималардан иборат, деган саволига шундай жавоб берган эди:

— Ҳаётнинг маълум бекатларидан ўтиб, умрингга умр қўшилгани, кексалик боғига қадам қўйганинг сари ёшлигингизда, ўрта ёшлик даврингизда ҳаёлингизга келмаган кўп нарсалар ҳақида ўйлай бошлайсан экан. Бу ўйлар ёшлик ва ундан кейинги даврлардаги қалбингизда, тафаккурингизда кечган ўй-фикрлардан жиддий фарқ қилади. Ўрни энди қишлоқ шунчаки маскан эмас, ўз уйингиз, атрофингиздагилар шунчаки одамлар эмас, қадрдонларингиз, табиат, борлиқ шунчаки кўриниш, манзара эмас, бошланганда, меҳрибонингиз, юрт шунчаки гўша эмас, улугвор Ватанга айланади. Бундай пайтда одамлар ўртасидаги муносабатлардан зиддият эмас, гўзаллик ахтарасан, умуминсоний фазилатларни улуглайсан, югурик ҳаётнинг фалсафасини англашга ҳаракат қиласан.

Ибройим Юсупов ўзбек ва қорақалпоқ халқлари дўстлиги ва биродарлигининг оташин куйчисидир:

*Ўзбекни ўз оғам этган,
Улкан бахтни инъом этган,
Бир қозонда ош дамлатган,
Меҳри шоир қурашганилик.*

Атоқли шоир Қорақалпоғистон Республикаси мадҳиясининг муаллифи ҳам. Адиб ихлос-мандлари ҳисобини, шеър ва достонлари, ҳикоя ва пьесалари, долзарб публицистикаси билан яқиндан таниш бўлиши билан бирга, А.Пушкин, М.Лермонтов, Т.Шевченко, Ж.Байрон, И.Гёте, Г.Гейне, Ф.Шиллер шеърлари, Шекспир сонетлари, Алишер Навоий ва Ҳофиз ғазаллари, Умар Хайём рубоийларини таржима қилиб, қорақалпоқ тилида сайратиб юборганларидан яхши хабардор. Ўзининг шеърлари ҳам рус, қозок, украин, белорус, грузин, латиш, болгар тилларига таржима қилинган.

Ибройим Юсуповнинг ижодий фаолияти ўзининг муносиб баҳосини олган. У Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, қўша-қўша ордено ва медаллар соҳиби, Ўзбекистон Қаҳрамони, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайланган.

Президентимиз ташаббуси билан ҳозир Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби ташкил этилди, бу ерда ҳам шоир ҳайкали қад ростлаган.

Юксак истеъдод соҳиблари оламшумул кашфиётлари, ноёб ижодлари, буюк хизматлари билан ўз халқини, юртини дунёга танитади. Айни пайтда уларнинг ўзларини ҳам ватанлари билан айналаштиришди. Ибройим Юсупов номи тилга олинганда ҳам қорақалпоқ халқи, ўлкаси гавдалангандек туюлади. Буни Назира Матёкубова атоқли шоиримиз таваллудининг 90 йиллигига бағишланган шеърда шундай ифодалаган эди:

*Балки олимдирсан, балки фузало,
Ким бўлсанг ҳам сенга айтай бир ҳақни.
Ибройим Юсуповни англамай туриб,
Англаш мумкин эмас қорақалпоқни.*

ТИЛ — МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Буюк
қудратимиз
белгиси

Бошқа тилларни билиш — муваффақият, она тилини билиш бурч, мажбуриятдир. Ўндан ортқ тилни билиб, ўз тилини билмасликни эса маънавиятсизлик дейиш мумкин. Бугун она тилимизнинг, маънавиятимизнинг нуфузини оширишга, қаратилган эътибор ҳар доимгидан-да, долзарблик касб этган.

Норбўта БОБОХОЛОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бошқаруви раиси маслаҳатчиси

Сўнгги икки йилга яқин вақт мобайнида мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш, ўзбек тилининг мавқеини оширишга қаратилган 20 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ўрни ўзбек тилини ривожлантиришнинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида ҳам давлат тилини соҳада қўллаш, иш юритишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ҳар бир ишнинг катта-кичиги, иккинчи даражалиси бўлмайди. Шу маънода, уларни таъкидлаб ўтиш ўринсиз бўлмас.

Хусусан, мазкур тизимдаги корхона ва муассасаларнинг идоравий ҳужжатлари ҳамда иш қоғозларини юритиш, шунингдек, муҳр ва тамғаларининг Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши назоратга олинди.

Темир йўл соҳасига бошқа тиллардан кириб келган ва айни вақтда фойдаланилаётган атамалар хатлов қилиниб, уларнинг ўзбек тилидаги муқобили шакллантирилди. Корхона-ташкilotларнинг бино ва иншоотларидаги реклама, пешлавҳа ва эълонлар, ахборот матнларининг давлат тилида бўлишини таъминлаш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Бир қатор талабга жавоб бермайдиган ташқи ёзувлар ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давергеодезадастр қўмитаси эксперт комиссияси билан ҳамкорликда темир йўл тизимидаги 244 та станция, 27 та разъезд, 2 та блокпост номларининг ўрганиб чиқиши ҳам соҳада давлат тилини кенг қўллаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан бири бўлди. Ўрганиш натижаларига кўра, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонун талабларидан келиб чиқиб, Эксперт комиссияси томонидан 90 та географик объектлар номи ўзбек тили имло қоидаларига мувофиқлаштирилди. 1 та станция номи қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ деб топилиб, номи ўзгартирилмоқда.

Давлат тилига ҳурмат билан қараш, қонунларга риоя этиш, аввало, она тили қоидаларини яхши билишдан бошланади. Шу маънода, темир йўл ходимларининг давлат тилида иш юритиш малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, Алишер На-

воий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази билан ҳамкорликда темирйўлчи ишчи-ҳодимларнинг аънаванавий ва масофавий ўқитилиши ташкил этилди. Шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидидаги Тошкент темир йўл техникуми қошидаги кадрлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказида ҳам 2021 йил учун ўқув курслари ташкил этилган. Иил давомида 2000 дан ортқ раҳбар ва ишчи-ҳодимнинг давлат тилида иш юритиш малакасини ошириш режалаштирилган.

Темир йўл соҳасида давлат тилини ривожлантириш борасидаги ишлар Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Департамент ташаббуси билан янгида нашр этилган “Давлат тилида иш юритиш” амалий қўлланмасининг қирилл ва лотин алифбосидаги наشري ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобининг темир йўл соҳасига ҳам тақдим этилиши соҳада давлат тилида иш юритиш бўйича темирйўлчиларнинг билими, кўникмаси ва малакасини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўрни келганда, тизим фаолиятида тўлиқ давлат тилида иш юритиш учун соҳавий сўз ва атамаларнинг ўзбек тилидаги муқобилига эҳтиёж сезилаётганини тан олиб ўтиш керак. Шу боис, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг бир қатор техник-мутахассислари томонидан темир йўл транспорт соҳасига бошқа тиллардан кириб келган ва ҳозирда фойдаланилаётган атамалар хатлов қилиниб, ўзбек тилидаги муқобиллари шакллантирилди. Айни кунларда 1300 дан ортқ сўз ва атамаларни ўз ичига олган “Темир йўл соҳасига оид сўз ва атамаларнинг изоҳли луғати” наشري устида иш олиб боришмоқда.

Миробод туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда туман ҳудудида жойлашган бино, кўча ва объектлардаги пешлавҳа, реклама, эълон ва бошқа ташқи ёзувлар давлат тили қонун ҳужжатларига мослаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган ишлар она тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромимизни англатибгина қолмай, халқимиз маънавиятининг юксалиши йўлидаги муҳим қадамлар ҳисобланади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди.
Газетанинг полиграфик хижатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1764.
79242 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳх: Асолат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:45 Топирилди — 23:45